

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

**“Ўрмон хўжалиги, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш фанлари” йўналиши бўйича**

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Яшил ҳудудларни ташкил этиш мақсадида манзарали ва бута ўсимликлари кўчатларини интенсив етиштириш ҳамда уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Яшил ҳудудларни ташкил этиш мақсадида манзарали ва бута ўсимликлари кўчатларини интенсив етиштириш ҳамда уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос ва кам сув талаб этадиган манзарали-бута ўсимликларини турлари аниқланади;</li> <li>- манзарали ва бута ўсимликлари кўчатларини интенсив микроклонол ва яшил қаламчалаш орқали кўпайтириш технологияси яратилади;</li> <li>- замонавий кўчатхона комплексида касеталар ва тувакчаларда етиштириш ҳамда кўчатларни етказиб бериш тизими йўлга қўйилади;</li> <li>- манзарали ва бута ўсимликларида учрайдиган касаллик ҳамда зараркунандалар тур таркиби ва ривожланиши ўрганилади;</li> <li>- уларга қарши замонавий микробиологик ва кимёвий препаратлар синовдан ўтказилади ҳамда касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш технологияси ишлаб чиқилади;</li> <li>- шаҳар ва туманлар атрофида микроиқлим ҳосил қилувчи ноёб турдаги манзарали дарахт-бута ўсимликларининг ландшафт дизайн асосидаги аллеяларини ташкил этилади;</li> <li>- кўчатларни кўчириб ўтказиш ва уларга манзарали шакл беришнинг инновацион усуллари ҳамда илмий-тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга жорий этилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари Ўрмон хўжалиги кўрикхоналари, истироҳат ва хиёбон боғлари ҳамда яшил ҳудудларда синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center"><b>0,75 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,75 млрд сўм</b>

\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.